

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Trastbank" XAB

Объявление

"TRASTBANK" XUSUSIY AKSIYADORLIK BANKI

РИОЯ ҚИЛ ВА ТУШУНТИР

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг 2022 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг натижасига кўра “Comply or explain” (риоя қил ёки тушунтир) халқаро тамойили бўйича АХБОРОТИ

“Корпоратив бошқарув Кодекси” нинг 11-бандида Кодекснинг муайян тавсияларига риоя этиш имкони бўлмаган тақдирда, жамият “comply or explain” (риоя қил ёки тушунтир) халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор қилиши белгиланган.

Маълумотлар “comply or explain” (риоя қил ёки тушунтир) халқаро тамойилига риоя қилинган ҳолда, оммавий ахборот воситаларида, Банкнинг ва “Тошкент” РФБ расмий корпоратив веб-сайтларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг махсус веб-сайти негиздаги Корпоратив ахборот ягона порталида эълон қилиниши кўзда тутилган.

1. “Корпоратив бошқарув Кодекси”нинг 12-банд 4-хатбошида жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдорини ошкор этиш белгиланган.

Банк меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини Банк бошқаруви аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида қабул қилади. Банк бошқаруви аъзоларига лавозим оклади, лавозим окладига устама ҳақ, мукофот, меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофот ва компенсацияларни белгилаш Банк ички норматив ҳужжатлари, жамоа шартномаси ва тармоқ келишуви асосида амалга оширилади. Ушбу маълумотлар Банк сайтида ошкор қилинмаган.

2. “Корпоратив бошқарув Кодекси”нинг 15-банд 8-хатбошида жамият таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўз вакилларига жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш талаб этилган.

Банк таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида Банк номидан овоз бериш тартиби белгиланмаган.

14.03.2023

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/15123/>

Дата: 25.06.2026